







ИБРАТИМ ХИКОЯТЛАР

ХАДИСЛАР

Абдуллох ибн Амр ривоят қилдилар: "Одам қиладиган гуноҳи азимлардан бири — ота-онасини ҳақорат қилмоқдир!" — дедилар. Шунда: "Ё Расул-уллох, одам ўз ота-онасини қандай қилиб ҳақорат қилмоғи мумкин?" — дейишди. Жаноб Расуллуллох: "Бировнинг ота-онасини сўққан одам ўз ота-онасини ҳақорат қилган бўлур," — деб жавоб қилдилар.

РИВОЯТ

Бир шаҳарда бир пардозгир устанинг дўкони бор эди ва қозикча бир кўзани осиб кўяр эди. Қабристонга ўлик келтирсалар, уста бир тош олиб кўзага ташларди. Уста ҳар ойда кўзадаги тошларни санаб, бир ойда қанча одам ўлганини биларди, яна кўзадаги тошларни олиб ташлаб, кўзани бўш қозикча осиб кўяр ва ўлик келиши билан кўзага бир ойгача яна тош ташларди.

ДОНОЛАР ДЕЙДИКИ:

Юз ёшга кирган ва қадди ёйдек бўклинган бир қари киши кўлига ҳасса ушлаб борар эди. Бир йилгит уни масҳара қилиб деди: "Эй шайх, ушбу ёйни қанчага сотиб олдинг, айт мен ҳам сотиб олай", Шайх: "Агар узоқ яшасанг, сабр қилсанг, бу ёйни сенга текинга бердилар," — жавоб бердиби.

МАСАЛ

— Нега тишлайсан? — деди Тил дудуклана-дудуклана Тиша. — Учингдан озгинасини узиб ташламоқчи эдим-да, — жавоб қилди Тиш. — Нима учун, гуноҳим нима? — Шунинг учунки, кўринганга захарингни сочасан, захарингни камроқ сочиб, ширинроқ бўлсанг. Киссадан ҳисса: Тилнинг захари — жоннинг одобси.

СУХБАТ ОДОБИ

Тўй, зиёфат, маърака ёки шуларга ўхшаш йилнинг жойларга бориб, суҳбатлашиб ўтирган одамлар орасига кирсангиз, қуйида зикр қилинган суҳбат одоби қондаларига риоя қилинг: аввало ўтирганларнинг нафратига сабаб бўлмастик учун баданингиз ва кийимингиз озода, пок бўлинг, озгингиздан саримсоқ, хом пийёз хидлари хидларни келмасин. Сўнг, суҳбатдошлар орасига кириб, салом бериб, улар билан кўришинг, битта салом ҳаммалари учун қийоф қилади. Сиздан ёшлари катта бўлган одамлардан юқори ўтирманг. Икки киши орасига руҳсатсиз кириб жойлашманг. Сиздан юқорироқ ўтирган одам ташқарига чиқиб келишини сўраса, ўрингиздан туриб йўл беринг. Мутақаббирона ўтиришдан сақланг. Беуз ёёнбошлаб, оёқларини узатиб ўтириш одобсизлик саналади.

Ўтирганларнинг суҳбатига иштирок қилишни истасангиз, ноҳужа ҳаракатлардан сақланг. Катта-кичикларга ҳар қайсидаги хурматлаб, ёши ва мартабасига кўра муомала қилинг. Қовоқ солиб, пўнғиллаб сўзламанг. Муомалангиз ҳуш, чиройингиз очик, сўзларингиз ширин ва мулоийм бўлсин. Мобода, ақса уришни истаб қолсангиз, оғиз бурнингизни рўмонлангиз билан тўтиб, секинроқ акса уринг. Ўтирган кишига иш буюрманг, ёшингиз кичик бўлса, чор, оқват келтирилганда даров ўрингиздан туриб, хизматга бел боғланг, мезбонга ёрдамлашинг. Лекин бу хизматингизни миннат қилманг. Суҳбатда эснаб, мудраб ўтириш ярашмайди. Гапирар экансиз, бошқаларга сўз бермай, ўзингизни билармон кўрсатиб, ҳадеб сўзлаб беришманг. Бир киши сўзлаб турганда, унинг сўзини бўлиб, орага сўз қўшманг. У киши сўзини тамом қилганидан сўнг лозим топсангиз, суҳбатдошларнинг руҳсати билан секинлик ва мулоиймлик билан сўз бошланг. Ортиқ даражада кўп сўзлаб, эзмалик қилиб ўтирманг, сўзингиз қисқа, маъноли бўлсин. Эзмалик қилсангиз, меҳмонлар зерикиб қолишлари мумкин. Ҳеч қандай гийбат қилманг, гийбатли сўзларга қулук солманг, сўзлаган чоғингизда бошқаларни масҳара қилгандек, қўлингизни бизгиз қилиб сўзламанг, суҳбатдошларингизнинг иззит-нафисига тегманг, уларнинг дилларини оғритманг. Ёнингиздаги киши билан пичирлашиб сўзлашманг, бошқаларнинг кўнглиги шубҳа тутиши эҳтимоли бор.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси Сийёсий Кенгаш Раёсати аъзоси, Тошкент вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби Турғун Иргашева рафиқаси Лола Хисомовна Жўраеванинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилоят Кенгаши вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби Турғун Иргашева рафиқаси Лола Хисомовна Жўраеванинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдиради.

Муассиса: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Рустам АҲМАДАЛИЕВ

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҲУЛОММАҲМУДОВ, Анвар ЖўРАБОВ, Равшан ХАЙДАРОВ, Каримжон РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Бобоқул ТОШЕВ, Рустам АЗИМОВ, Турғун ЭРГАШЕВ, Уткир ЖўРАЕВ, Бобоқатта ШОДИЕВ, Зоҳир ТўРАҚУЛОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. телефонлар: Кабулхона-136-53-14. Факс: (8.371) 133-41-89. Сийёсат ва партия ҳаёти — 136-55-96. Хатлар бўлими — 136-55-64. Маънавият, адабиёт ва санат-136-55-64

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 016 рақами билан рўйхатдан ўтган. Адади — 1925. Бюджетга — 500. Ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўзғичми А—2. Саҳифаловчи — Фарҳод ХўЖАНАЗАРОВ

«Шарқ» нашриёт - матбаа акцидирлик компанияси Босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри «Буюқ Турон» кўчаси, 41. Боснига тошириш вақти — 20.00. Босишга тоширилди — 20.30

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. • Реклама ва эълонлар ҳаққонийлиги учун бюуртма берувчи масъулдир. • «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят руҳсати билан амалга оширилади. 2 3 4 5 6

Операция муваффақиятли ўтди. Ўлмасхон опа ёруғ дунёни кўраётганидан қувончи ичига сиймасди. Бир йил аввал унинг кўзлари хиралашиб, кейинчалик умуман кўрмай қолганди. Малакали шифокорлар унга кўриш бахтини қайтардилар. Андижон вилоят кўп тармоқли Марказининг кўз касалликлари шифонасига ҳар ойда кўз касаллик-

Кўзларга нур, қалъларга қувонч

лари билан хасталанган ўнлаб беморлар келтирилади. Уларнинг аксарияти қишлоқлардан бўлиб, ёши олтидан ўтган фуқаролардир. «Меҳр-муруват йили»да 211 нафар бемор даволанди. Уларнинг ярмига бепул тиббий ёрдам кўрсатилди. 59 бемор кўзига бепул сунъий гавҳар қўйилди. Энг асосийси бирорта ҳам салбий ҳолга йўл қўйилмади. Барча операциялар муваффақиятли бўлди.

«Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилинган 2005 йилда ҳам бу савобли иш давом эттирилмоқда. Ҳозирча 20 нафар беморнинг кўзига сунъий гавҳар қўйилиб, уларга олам-олам қувонч ҳадя этишди. Бунда, айниқса, тиббиёт фанлари номзоди Ҳабибулло Абдуқолиқов, кафедра мудири Моҳирахон Ғиёсова, олий тоифали шифокорлар Хайрулла Хошиматов ва Лола Солижоноваларнинг хурматлари каттадир. — Статистик маълумотларга қара-

2005 йил — Сихат-саломатлик йили

ганда жаҳонда кўз хиралашиш касаллиги кескин ортиб борапти, — дейди биз билан суҳбатда шифоҳона бош врач Замираҳон Тўхтасунова. — Бугун ҳар уч кишининг бири ана шундай касалликка чалинган экан. Бунга аввало ёзув-чизув ишларининг



Тўлқин СИДДИҚ, «Адолат» муҳбири

«ЧИМЁН СУВИ» МЎЖИЗАСИ

«Сихат-саломатлик йили» муносабати билан «Чимён» сихатгоҳи масъулияти чекланган жамияти дам олувчилар учун йўлланма баҳоси таннархини қарийб 40 фоизга арзонлаштирди. Илгарилари йўлланма баҳоси 45 минг сўмни ташкил этган бўлса, эндиликда дам олувчилар йўлланма баҳосининг 25 минг сўмини тўлайди, холос.

Ярим асрдан буюн фаолият кўрсатиб келаётган сихатгоҳда дам олувчиларнинг кўнглили хордик чикаришлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Жорий йилнинг ўзида бу ерда физиотерапия ва шам билан даволаш учун қўшимча даволаш хоналари ташкил этилди. Бу эса 120 нафар дам олувчиларга бир вақтининг ўзида тиббий хизмат кўрсатиш имкониятини беради. Бундан ташқари, юмшоқ ўриндиклар, ётоқхона жиҳозлари, чойшабарлар, рангли телевизор харид қилиб олинди. 120 ўринли

Футбол



Оёқ оғриғи кўп йиллардан бери безовта қиларди — дейди Ўзбекисто тумани Оқтепа қишлоғидан дам олгани келган Қосимали Мамадалиев. — Сихатгоҳа келиб оёқ оғриғидан буткул ҳолос бўлдим. Шу сабабли, ҳар йили дам олиб соғлигимни тиклаб қайтаман. Бундан ташқари, сихатгоҳдаги тинчлик-осойишталик, озодалликдан кўнгли тўлади. Шифокор ва ҳамшира қизларнинг ширинсўзлиги, даволашни учун керакли бўлган шароитларнинг мутасаммиғи ҳам жуда кўп келади.

— Уш шаҳридан келганман, — дея суҳбатга қўшилди Кимёхон Саломидинова. — Асаб системаси касалликларини даволашда сихатгоҳдаги сувнинг мўъжизавий хусусиятлари алоҳида аҳрибли туради. Ҳар йили икки мартабадан келиб саломатимни тиклаб олдим. Бош оғриғи, юрак сикилишлари буткул барҳам топди. Соҳа мутахассисларининг сўнги йилларда олиб бораётган кузатишларига кўра, бу ердан чиқаётган сув йўлдан касалликларни даволашда ҳам кўп келмоқда, айниқса, қон таркибидagi холестерини қамайтириб, томиларни юмшатиб, қон айланишини яхшилашда «Чимён» шифобахш сувининг аҳамияти жуда катта.

Абдунаим БОЗОРОВ. Расул КАМОЛ

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ИМКОНИЯТИ ҚАНДАЙ?

Бугун пойтахтимиздаги «Пахтакор» Марказий стадионида 2006 йили Германияда ўтказиладиган навбатдаги жаҳон чемпионати саралаш учрашувида Ўзбекистон — Жанубий Корея терма жамоалари ўзаро куч синашадилар

Ушбу учрашув Осиё минтақаси саралаш ўйинларида қатнашаётган Ўзбекистон миллий терма жамоасининг иккинчи даврадаги дастлабки баҳсидир. Хабарингиз бор, футболчиларимиз саралаш босқичининг биринчи давра учрашувларини нихоятда бўш ўтказиб, тўққиз имкониятдан бор-йўғи бир очко тўплаган. Терма жамоамиз дастлаб Тошкентда Саудия Арабистони футболчилари билан уюштирилган ўйинда дуранг (1:1) натижага қайд этиб, Ал-Кувейт шаҳрида Кувайт терма жамоасига 1:2 ҳисобида имкониятни боғ берганди. Афсуски, Сеулда Жанубий Корея терма жамоасига қарши келган сўнгги турда ҳам мезбонлар зафар қўчишди — 2:1. Гарчи, мамлакатимиз футбол мутахассислари ҳамюртларимизнинг ҳал қилувчи баҳсларда ҳали назарий жиҳатдан имкониятларга эга эканлигини бот-бот такрорлаётган бўлсалар-да, йўқотилган ҳар бир очко яқинда сув билан ҳаводек зарур бўлишини эсдан чиқармаслик лозим. Қолаверса, биринчи давра ўйинлари якунида олти ва беш очкодан жамгарган Жанубий Корея ҳамда Саудия Арабистони терма жамоалари қолган учрашувларда ҳеч қимга осонликча очко ҳадя этишларига барча ҳам ишонавермайди. Бундан ташқари, ўз майдонига Ўзбекистон футболчиларини (2:1) енгиб, саудияликлар билан дуранг (0:0) ўйнаган кувайтликлардан ҳам ҳар нарсани

Хайрулло Каримов («Машъал») Ярим ҳимоячилар: Леонид Кошелев, Тимур Копалдзе, Владислав Кирьян, Ринат Байрамов, Элдор Магидов (ҳаммаси «Пахтакор»дан), Виктор Карпенко («Кайрат» Алмати), Миржалол Қосимов («Машъал»)

Ҳужумчилар: Александр Гейрих, Анваржон Солиев (иккаласи ҳам «Пахтакор»дан), Максим Шацких («Динамо» Киев), Марат Бикмаев («Крылья Советов» Самара), Зафар Холмуродов («Насаф»)

Афсуски, бош мураббий Равшан Хайдаровнинг таъкидлашича, Москванинг «Локомотив» клуби шарофини ҳамой қилаётган Алексей Поляков, Владимир Маминнинг ҳамда Олег Пашичинлар ушбу учрашувда Ўзбекистон миллий терма жамоаси таркибидан майдонга тушишни истамаган. Шунингдек, турли жароҳатлар туфайли Андрей Фёдоров («Рубин» Қозон), Андрей Аюпов («Ростов»), Владимир Шилелов («Химки» Москва)лар ҳам Жанубий Корея футболчиларига қарши ўйинда иштирок этмаслиги аниқ бўлди. Мураббийнинг гапига қараганда, футболчилик фахрийларидан бири Миржалол Қосимов ҳамда Италиянинг «Реджина» жамоасида тўп сураётган яна бир иккидорли ўйинчи Илё Зейтуллаевларнинг мазкур ўйинда қатнашиши учрашув олдидан маълум бўлди.

Яна бир янгилик. Маълумки, Сеулдаги маълумиятдан сўнг, бош мураббий Юрген Гедде истеъфога чиққан унинг ўрнида Равшан Хайдаров иш бошлаган эди. Тошкентда Жанубий Корея терма жамоасига қарши ўтадиган бугунги ўйинга терма жа-

Метро бекатида минг йиллик дўстим Тобижонни учратиб қолиб, кўзларим чакнаб кетди. Сени худонинг ўзи етказди, деб кучоқ очиб, бағримга босдим. Бошим эса, булутлар орасида қолди. Уёқ-бўёқдан гапласа туриб, дангал муддаога ўтиб кўя қолдим:

— Оғайнижон, ишхонанг-да менбоб, дурустроқ иш топиладими? — Ҳа, тинчликми? — дея ҳайрон бўлди дўстим мени ҳали бағридан кўйворига уюрмай. Сўнг ўзига жуда-жуда ярашиб турган кўзойнагини зумда ечиб-тақиб, менга қайтадан, бошдан оёқ разам солиб чиқди. — Туфлинг импортнийми? Яқинда олганмисан? Дўқондан олдингми, ё бозорданми? — Гапни айлантирма! — дедим унинг пинагини бузмай турганига бироз қизишиб. — Саволимга жавоб бермагансан. Тўғрисики айт, корхонагда бўш ўрин борми? — Ҳа-я, — деди ҳеч шошмай, менга ўтирилган. — Тушимга ҳам кирмаган савол бердинг-да. Шу гапни сен гапирмаганми? Тушунмадим. Институтда бунга ўқиган ўртоқлар орасида пичоққа илинадиган сен эдинг. Баъзан домларни ҳам ўтказиб, турғизардинг. Ҳ, тавба! Сенга нима бўлди. Бу, юрагинг жойидами, ишқилиби? Узингни вақти-вақтида дўхтирга кўрсатиб турибсанми? Бир нарсга бўлса дарров юрагинга яқин оладиган одатинг бўлгубу эди. Аслида гапнинг ростини айтганда, сен ҳаммамиздан тажрибалисан, қолаверса, озгина илм ҳам қилгансан. Миянги балонинг ўқи!.. Нечук, ошанжон? — Узинг қизиқиб ишлайдиган жой бўлса, яхшида-да... — Хўш, сизларда-чи? — Шу, сенга айтсам,

Бировнинг орқасидан гапириб бўлмайдми, асти. Туфтуф, — ичига туپуриб қуйди Тобижон. Сўнг мени юпатиш учунми, деди: — Айб ўзларингда, танлаб-танлаб, тозисига учрабсанми-да. — Қаёқда? У ўзи юқоридаклардан биронтасининг эргактойими дейман. На илми бор, на тажрибаси. Супермаркетлардаги эркак манекенлар бор-ку! Худди ўшалардан фарқи йўқ. Унинг юриш-турушининг ўзи раҳбар. Теладаги биздан юқорида ўтирадиган амалдорлар уни корхонамизга қозоғга ўралган конфетдек ташлаб кетишган.

«ҚОЧ, СКАНВОРД!» (Ҳажвия)

— Баъзан шунақаси ҳам бўлади, — деди дўстим хо-муза тортиб. — Институтда ўқинганимизда билардинг-ку, бундайлар отасига орқа қилиб, ўқишга хоҳласа келарди, хоҳламаса йўқ. Улар жамият зарарқондандилар. Уроқда йўқ, машоқда йўқ, аммо хирмонда ҳозир но-зир. Сен уларга эътибор берма, улар барибир бундай катта корхоналарда кўп ишлайоқмайди. Бир хунар кўрсатишдан қуни қавушлагини тўғрилаб қўйишди. — Унақага ўхшайди-да, жуда хотиржам. Унинг учун битта-иккита азамат жон олиб, жон бериб, корхона жавабгарлигини зиммасига олиб қора терга ботиб юришибди-ю, бу эса, қаёқдаги арзиманг ишлар билан бошимизни қотиргани-қотирган. — Махжисбозми? Ёки худдиларни ўтираш ўпоқ, турса сўпоқ дейдими? Қилдан қийик, тирноқдан кир қидирадими?

— Бу раҳбарчимиз гирт... сканворд жинниси? — дедим охири чидолмай. — Ҳар қуни... — Вой-бой, нимаикан, деб кўриб кетибман, — деди дўстим бироз хотиржам бўлиб. — Бундай қизикувчанлик ҳаммага бор. Бу машғулот ахир ақли қайрайдими-ку. — Бошқаларни билмадим-у, мен шу сканворд деган сўзни эшитишим билан аллергиям кўзгаёйган бўлиб қолган. — Жуда унчаликмасдир. Ошириб юборялсан. — Ҳа, ҳа, ишонавер, бу сканворд деганларни жонимнинг диққат билан тўлдирётган катақларига баҳоли қудрат керакли ҳарфлар топиб бериш машғулоти. Фаол бўлмасанг яна бўлмайди, раҳбарчимиз ер остидан уқикараш қилади, фалончи ака, бу дейман, мактабни, институтни китоб ўқимай битириб қўйган экансиз-да, дейди-я, зангар. Отаннинг даврида мактаб, институтлар тараллаб бедод қилди, ялло қилиб юрмай, қўлингиз китоб олгандай бизни, бутун бошли бир жамоани ишдан қўйиб, аллақандай сканворд-пканвордлар билан бошимизни қотирмасдинг, демокчи бўламан-у, яна шай...

— Тушунмадинг шекилли, уша сканворддаги сўзни қидирмасак, раҳбарчимизнинг алоҳида «дашном»лари бор. Нима дейди, дегин? — Хўш, хўш...

— Сканворддаги сўзни топа оламийсиз-у, аммо сизни топа оламийсиз. Фаолмасасиз, ҳамма билан бир ёқдан бош чиқариб изланмайасиз, муаммоларни бартараф этиш устида ишаламайасиз. Жамоани руҳлантириш ўрнига, ишни бўшаштириб юборясангиз, дейди. Хуллас, жуда ўтказиб юборди. — Бошқа жойларда иш яхши деб ўйлайсанми? Ҳамма ерда ҳўроз бир хил қиради-ку, ошна. — Ҳе, майли бошқа ерда сканворд бўлмаса бўлгани. Сенларда иш борми? — Бор, фақат... — Фақат-фақат қилмагин, раҳбарчинг билан гаплаш, бўлгун ҳал қил! — Майли-ку, билишим керак-да, ахир. Раҳбарчимиз сўрайди, қизикди ахир. — Нимани, айт. Ҳаммасига тайёрман. — Яқини, унда кроссвордга қалайсан?..

Зонр ЗИЁ